



Партия турмуши:

қайта қуриш

чорраҳаларида

Шодмон ака қарийб қирқ йилдан бери механизатор. Одамлар фахр билан: «Уста Шодмоннинг кўзини боғлаб қўйсанг ҳам ер ҳайдайверади», — дейишади. Унга хўжалик даласининг ҳар бир қаричи синашди. Колхоз механизаторларининг деярли ҳаммаси унинг шоғирдари.

Уста механизаторнинг эл-юрт ўртасида ҳам иззат-ҳурмати жойида. У билан суҳбатлашиб ўтириб: «Уста, сизда ҳам ушлалманг орау борми?» — деб сўраб қолди. Шодмон ака бироз ўйланб, мийинга кулганча бир воқеани гапириб берди.

— Урушдан кейинги йиллар эди. Бир куни дадам ишдан қувониб қайфиятда қайтди. Ювиниб-тараниб, жанговар орден-медаллар тақилган гимнастёркаси ва хром этигини кийди-да, чоп-пиша гузарга чиқиб кетди.

Қишлоқ марказидан қарнай-сурнай овози келарди. Бундай тантаналар ҳар доим бўлавермагани сабабли, тенг-қурларим қатори мен ҳам ўша томонга ошдиким.

Гузарда тумонат одам. Ўртадаги устига қизил алвос тўшлаган стол атрофида колхоз раиси, ҳисилот, тагин мен танмайдиган алла-қимлар ўтиришарди. Маж-лис тугача, меҳнат илгор-лари тақдирлана бошладилар. Кимга қўйлақлик мато, кимга соат, яна аллақимларди радио топиришди. Ишда яқинлик қилган бир кишининг расми «Хурмат тахтаси»дан олиб ташланди ва ўрнига дадамнинг сурати қўйилди.

Атродда қарнай-сурнайнинг тантанавор овози, гулдрос қарасқалар янгради. Дадам эса ҳижолатдан қизариб-бўзариб ўртада турарди. Ўшанда дадамнинг ҳажжонини менга ҳам ўтиб, йиллаб юборгандим. Ўша ҳажжон, ўша ифтихор тугбуги мени ҳанузгача тарқ этган эмас.

Пўк-йўк, нолимайман. Қамтарона меҳнатининг партия ва ҳукуматимиз юқори боқолапти. Қатор-қатор орден-медалларим, ишон-ларим, Фахрий ёрлиқларим бор. Ҳали куч-қувватим бор экан, ишлайверман. Аммо биласизми, дилимда ўша истак ҳамон тугбн уради. Менинг ҳам суратим эл на-заридан турса, уни бола-ларим кўриб, қачонларидир мен қувонгандек қувонишса, шу билан бирга меҳнат кишининг номини улуғлашга интилишса дейман.

«Хурмат тахтаси»даги кўриб сиймолар... Мана улар: Социалистик Меҳнат Қўрамонлари — Тошкент ГРЭСи ишчиси Ўлдош Муслимов, Гурлан районидаги «Коммунизм» колхозини бошқариб бораётган Аллом Маткаримов, Тошкент тўқимачилик комбинати иш-чиси Евгения Губина. КПСС XXVII съезди делегати, Тах-такўпир районидаги «Тах-такўпир» совхозини шолиқори

да, социалистик мусобақанинг ошқоралигини таъминлашда, ишларини меҳнатга муҳаббат руҳида тарбиялашда катта роль ўйнади. Афсуски, баъзи ҳолларда бу муҳим тадбирга етарли аҳамият берилмапти. Жумладан, илгорлар минбари бўлиши «Хурмат тахтаси»га расмлар қўйилганда нозидорлар ҳақида партия, касба союз ташкилотлари билан ҳар доим ҳам келишилмапти. Ургут райони-

лотлари жиддий аҳамият берилмаптилар. Бутун фаолиятимизда қайта қуриш наараён бораётган ҳозирги пайтда кўргазмалли агитация воситаларининг барча турларидан фойдаланиш масалаларига ҳам янгича ёнда-шиш зарур. Ҳаётдан ажра-либ қолган, ишлаб чиқаришга алоқаси бўлмаган, ба-ландпарвоз қаҳриқлар, широрлар, плакат ва стенд-лардан воз кечиб пайти

ва социал тадбирлар билан қўйилса, унинг аҳамияти юз наара ошад. Фақат шу тариқагина ҳаммамнинг га-шига тегадиган насихатгүй-ликка барҳам бериш, қаҳ-риқлар ва широрларга жў-шн ҳаёт нафасини бахш этин мумкин.

Кейинги пайтларда пар-тия XXVII съездининг иде-ология соҳасидаги қарорла-ри асосида ўз ишларини қайта қураётган қатор пар-тия комитетлари кўргазма-ли агитация воситаларининг таъсирчанлигини ошириш-га алоҳида аҳамият бермоқ-далар. Корхона ва хўжа-ликларда «Диққат, илгор тажриба!», «Ўз касбининг усталари», «Ўз касбининг маҳсулот чиқаришлари», «Еш-лар мураббийси» каби стенд-лар меҳнат аҳлини маъна-вий рағбатлантиришга хиз-мат қилмоқда. «Ёдингизда тути», «Эътибор қил!», деб номланган қаҳриқлар, «Жанговар варақ», «Чақ-моқ»лардаги бевосита меҳ-наткашининг ўзига қарати-лан даъваткор сўзлар ҳар бир ишчи ва колхозчининг ижтимоий активлигини оши-ришда катта роль ўйнапти. Широр ва плакатлар таъри-лашда қуруқ, ҳис-туйғусиз ба-ландпарвоз сўзлар тур-нига, кўпроқ халқ мақол ва маталари ишлатилаётган-лиги яқин самара бераётир.

Идеология ишда иқри-чикир бўлмапти. Чунки, гап инсон тарбияси, унинг маъ-навий қаломоти ҳақида бо-лар экан, табиийки, бу со-ҳада иқтидор даражаси иш-нинг ўзи йўқ. Шундай экан кўргазмалли агитация воситалари ҳам идеология ишнинг барча тармоқлари билан ҳаммаҳал ҳолда пар-тия XXVII съезди қарорла-рини амалга оширишга хиз-мат қилсин. Ҳар бир совет кишининг жамиятимизни такомиллаштириш ва қайта қуриш жараёнида актив иш-тирок этишга даъват қилиш — кўргазмалли агитациянинг бугунги энг асосий вазифа-сидир.

... Ҳазиланет шахридаги Ленин майдонида тўпнлаб турган йилги-қизлар диқ-қатимизни тортиди. — Нуралӣ! Бу ёйқа қа-ра, даданнинг сурати бор экан, — деди «Хурмат тах-таси» олдида турган ёшлар-дан бири. Қизлар баланд овоз билан ўқиб бошладилар. — КПСС XXVII съезди делегати, учинчи даража-ли Меҳнат Шухрат ордени кавалери, Фрунзе номи-ли колхоз раҳбари Ойнакул Мирзақуллов!

— Мактабни битиргач, мен ҳам колхозда қолиб ишлайман, — деди ёшлар-дан бири суратга ҳавас би-лан тикиларкан — Сен-чи, Нуралӣ!

Нуралӣнинг қувонч пор-лаган чеҳрасига тикиларкан-миз, беихтиёр уста Шод-моннинг истаги ёдимизга тушди. Бунёдкорлар сафи-да бўлишни орау қилаётган бу ёшлар «Хурмат тахтаси» олдида кекса авлоднинг меҳ-нат анъаналарини давом эт-тиришга қасамёд қилишаёт-гандек эди. Ҳа, агар шун-дай бўлса, бу ерда кўргаз-малли агитация ўз вазифа-сини бажараётир, дейиш мум-кин.

А. РАҲИМБЕРДИЕВ, «Совет Ўзбекистони» мах-сус мухбири.

Г Р У П П А НИМАЛАРГА ҚОДИР

Бригадада сабзавот тайёр-лаш планлари бажарилмай қолди. Ери, суви ва бошқа шароитлари бир хил бўлган қўшни бригадаларда эса бунинг акси: план ва оши-рилган мажбуриятлар ор-тириб адо этилар эди. Ҳўш, қолоқлик сабаблари нима-да? Партия группасининг ташкилотчиси Шавкат Зу-лунов бу саволларга иқбобий жавоб ахтирди. Коммунист-лар билан маслаҳатлашди. Камчиликларни биргаликда таҳлил қилди. Уларнинг фикр ва мулоҳазаларига та-лилан ҳолда ягона хулосани чиқарди.

Бригада бошлиғи Неъмат Махфиев ишчилар меҳнати-ни ташкил этишда нўноқлик қилмоқда. Натикада экан-ларнинг парварши агро-техника қондалари асосида олиб борилапти. Меҳнат интизомини мустаҳкамлаш тўғрисида астойдил беш қо-тирилмаётир. Ишчиларнинг унумли меҳнат қилишлари тўғрисида қайғурилмапти. Социалистик мусобақани ақуллашга расмийлик билан муносабатда бўли-моқда. Бу камчиликларнинг барчаси ишнинг бўшашиб кетишига сабаб бўлмоқда. Меҳнат интизомини издан чиққан, кишиларда хотир-жамлик қайфияти ҳукмрон-лик қилипти.

Совхоз маъмурияти ва партия ташкилоти партия группасининг хулосасини қўллаб-қувватлади: бри-гада раҳбарлигини ташки-лотчи ва ташаббускор ко-мунистга топишири керак. Шундай киши топилди ҳам. Ўқтамхон Абдуллаева сов-хоз маъмурий аппарати-да партия ташкилотининг секретари, қарлар бўлими-нинг бошлиғи эди. 5-бри-гада ўтиб ишлаш истагини билдирди.

Янги бригада бошлиғи энг аввало коммунистларга, партия группаси ташкил-отчиси Шавкат Зулуновга таянди. Уларнинг масла-ҳатларига қулоқ солди. Ки-шиларда топирилган иш учун масъулиятни оширди. Энг муҳими — группа йи-гилишлардан тарбия ва са-фарбарлик омилли сифатида

фойдаланди. ГРУППА йи-гилишларида бригада фа-олиятига тааллуқли энг дол-зарб масалаларни муҳока-ма қилишга эътибор қаратилди. Коммунистлардан Зулунбой Шокиров, Комила Қаримо-ва, Манзурахон Нуралие-валарга кишилар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни олиб бориш вазифаси то-пирилди. Коммунистлар-нинг ишлаб чиқаришда ва жамоат ишларида ибрат қў-ратишга эришилди. Бу эса бошқаларни ҳам унумли меҳнат қилишга даъват эт-ди.

ҲИСБОТ ВА САЙЛОВЛАР

КПСС XXVII съезди қа-рорлари партия группаси фаолиятига янги куч ва илҳом бағишлади. Партия группаси қайта қуриш йў-лини изчи амалга оширишда актив позицияда турди. Қо-лоқликни тугатиш учун бри-гадада барча ички имкони-ятлардан самарали фойда-ланилди: сабзавот эканла-рининг парварши сифатли олиб борилади. Ҳар бир иш-чи ўз зиммасига оширилган, аммо аниқ мажбурият олиб, ишлаб бошладилар.

— Ҳаммамиз бу ишларни амалга ошириш учун куч ва имкониятларимизни ишга солимиз, — деди партия группасининг ҳисобот-сай-лов йиғилишида коммунист Манзурахон Нуралиева. — Натикада август ойидаёқ умумий планни, шунингдек, помидор етиштириш ва дав-латга топишириш планини ошириб бажардик. Бри-гадада биринчи бўлиб эр-таги қарам қишини машина-лар ёрдамида бажаришга эришилди. Катта маблаг ҳи-سوبига сотиб олинган тех-никадан фойдаланиш масала-сини ўртага қўйганимизда партия группаси бу иш ус-тидан назоратни қучайтир-ди. Уч кунда бажарилади-ган иш ярим кундаёқ уdda-ланди, қўллаб маблаг тежаб

қолинди. Ҳозирнинг ўзидаёқ эртаги қарамдан пландан ташқари 5,5 минг сўм даро-мад олди. Мана, комму-нистларнинг қайта қуриш соҳасидаги дастлабки одим-ларининг илк натижаси.

Бригада Андижон райони-даги Охунбобоев номи сов-хозда илгорлар қаторида сабзавот ва помидор тайёр-лаш планини ошириб ба-жарди. Ҳозиргача умумий план 115, помидор тайёр-лаш плани эса 130 процент-дан ошиб кетди.

Партия группаси йиғили-шида сўзга чиққан нотич-да ётибдордан четда қола-ётган камчиликлар ҳақида ҳам батафсил тўхтадилар. Жумладан, бригадада ёш болалар оналарга ҳамхўрлик-ни янада қучайтириш ке-рак. Масъулий болалар бо-часи ишини тўдан қайта қуриш лозим. Мусобақа го-либларини маънавий рағ-батлантиришда айрим кам-чиликлар бор. Ошқораликка амал қилинмапти. Серхо-сил, касаликка чидамли помидор навларини кўпроқ экиш учун мутахассислар-нинг масъулиятини оши-риш лозим. Бу йил 2 гек-таргача серхосил, узоқ вақт сифатини йўқотмайдиган «Кембел» нави помидор экилди. Ҳолбуки ана шу нави бригада ерларининг ярмига экиш имкониятла-ри бор эди. Бу ўринда «Сортсменов» ташкило-тининг мутахассислари ад-ресига жиддий эътирозлар билдириш мумкин. Ўргучи-лик мутахассислари хўжа-ликларнинг далаларига тез-тез чиқиб турмайдилар. Қайси нав сабзавоткорларга маъқул келмаётганлиги би-лан қизимайдилар. Агар улар сабзавоткорлар эҳти-ёсини ўрганиб бораётганда эди, келгуси йилларда қай-си навиинг уруғини қўллаб тарқатишни аниқ режалаш-тириш олган бўлардилар.

Ҳисобот-сайлов йиғилиши партия группасининг кўп ишларга қодирлигини на-моён қилди. Бунинг учун ишчилар, талаботчилар, та-шаббускорлик ва аяни пайт-да принципиаллик қўратиш зарур.

М. НИЗОВ.



«Ташэлектромаш» заводда трансформаторларнинг янги типларини қўллаб ишлаб чиқаришга киришилди. Такомиллаштирилган трансформатор истеъмолчининг йилга 854 сўм тежаб қилишга имкон беради. Буни бутун мамлакат бўйича ҳисоблаганда те-

жамкорлик самараси 1 миллион сўмликдан ошад. КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнат-кашларига Мурожаатнома асо-сида иш тутаётган завод меҳ-нат аҳли маҳсулотларини фа-қат юқори сифатли, тежамли

ишлаб чиқариш учун техникани такомиллаштиришда. Суратда: асосбозлик чеҳи-рага ишчилари (чапдан-ўн-га) В. Қудряшов, В. Евтушев, А. Карамшин, А. Волков ва Р. Сивагатилин.

А. КОШКИН фотоси [ЭТАГ].

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

«РАСМИЯТЧИЛИК ОҚИБАТИ»

Газетанинг шу йил 15 март сонда босилган юқоридagi сарлавҳали танқидий мақолада Навоий областида партия сиёсий ўқув ва иқтисодий таълим системасида машғул-ларга эътиборсизлик билан, юзаси қаралаётгани, мавжуд аҳвол билан мунорасозлик қилиб келинганлиги очиб таш-ланган эди.

НАВОЙИ ОБЛАСТ ПАР-ТИЯ КОМИТЕТИдан олин-ган жавобда қўйилганлар ха-бар қилинади. Мақолада област пар-тия комитетида қўриб чиқил-ди. Танқид тўғрисида, деб та-онилди. Меҳнаткашларнинг иқтисодий таълимини таҳлил қилиш шунинг қўрсаткичи, бундай камчиликлар област-нинг бошқа районларида ҳам учрайди.

Меҳнаткашларнинг маркс-ча-ленинча ўқувига партия-вий раҳбарлик, уни янада такомиллаштириш, тинглов-чиларнинг меҳнат ва иқти-момий-сиёсий активлигини ошириш масалалари област партия комитетининг доим-ий диққат марказида туриб-ди. Фақат 1986 йилда област партия комитети бю-роси мажлисида, секретари-атда Конимек район пар-тия комитетининг марксча-ленинча таълимни янада та-комиллаштириш, тингловчи-ларнинг меҳнат ва иқти-момий-сиёсий активлигини оши-ришдаги роли ҳақидаги, Навоҳор районда идеоло-гик, оммавий-сиёсий ишлар-нинг ҳолати тўғрисидаги, Қизилтепа район партия ташкилотидида меҳнаткашлар ўртасида КПСС XXVII съезди қарорларини про-паганда қилиш ва тушуни-тириш ишлари ҳақидаги маса-лалар қўриб чиқилди. Бу маса-лаларни муҳокама қилиш пай-тида меҳнаткашларнинг марксча-ленинча таълимини ташкил этишда йўл қўйил-

ган жиддий камчиликлар очиб ташланди. Район ва шаҳар партия комитетлари-га барча идеология ишларини активлаштириш юзасидан аниқ тавсиялар берилди.

Навоҳор район партия комитети ўзининг бюро мажлисида қишлоқ хўжали-ги меҳнатчиларининг соци-алистик экономика мактаб-ларидаги ўқув якуларини кў-риб чиқди. Шунингдек, «Рас-миятчилик оқибати» сарлав-ҳали мақолада қўрсатиб ў-тилган нуқсонлар Навба-ҳор район меҳнаткашлари-нинг иқтисодий таълим кенгашида, бошланғич пар-тия ташкилотлари секретар-ларининг семинарида ҳам му-ҳокама қилинди. Иқтисодий таълимни такомиллашти-риш, ўқув жараёнининг си-фати ва самарадорлигини ошириш юзасидан тадбир-лар ишлаб чиқилди. Район партия комитетлари про-паганда ва агитация бўлима-рининг, районлар иқтисодий таълим бўйича кенгашлари-нинг, район агросаноат бир-лашмалари кенгашларининг диққат-эътибори ўқув ус-тидан етарли назорат ўрнатил-маганлигига қаратилди.

Район «Тасвиқсөлхот-техника» бирлашмаси пар-тия йиғилиши қарори билан партия топиригини бажа-ришга жиддий муносабатда бўлмаганлиги учун комму-нист О. Собировга ынгор берилди ва у пропаганда-лиқ фаолиятдан четлаш-тирилди.

Ҳозирги вақтда Навбаҳор район партия ташкилоти то-монидан пропаганда-лиқ активига, иқтисодий таълим ташкилотчилигига алоқий ва методик ёрдам қўрсатиш юзасидан маълум ишлар олиб борилаётир. Машҳур лотлар ўтказиш учун махсус хоналар ажратилди, бир қатор кўргазмалли қўлла-малар, жадваллар, диаграм-малар тайёрланди.

Айрим раҳбарларнинг го-вий-сиёсий ишларда ҳам иш-тирок эътиборини қўри-ришдаги факт ҳам тўғри. Эндиликда пропаганда-лиқ, лекторлар, сиёсий ад-бортчилар ва агитаторлар со-ни раҳбар надрлар ҳисо-бига қўйилганди, уларнинг ҳаммаси КПСС XXVII съез-да ва Ўзбекистон Компар-тияси XXI съезди материал-ларини пропаганда қилиш ва тушунишда фаол қат-нашмоқда.

1986 йилдан областнинг чорвачилик районлари меҳ-наткашларининг сиёсий ва иқтисодий ўқувини тажриба тариқасида ўтказиш бош-ланди. Ҳар бир қоракўчи-лик хўжалигида фермалар раҳбарлари ва мутахассис-лари учун қўшмача экспери-ментал мактаблар ташкил этилди. Мазкур мактаблар-нинг тингловчилар зиммаси-га қўпонал ўртасида омма-вий-сиёсий ишларни олиб бориш, олим отарлардаги коммунизм т а р г а КПСС XXVII съезди материалла-рини ўрганишда ёрдам қў-ратиш қўйилган.

Шу қуларда област коммунистлари, меҳнаткаш-лари КПСС Марказий Коми-тети июнь Пленумининг та-рихий материалларини кат-та қизиқин билан ўрганмоқ-далар.

«Расмиятчилик оқибати» сарлавҳали мақола юзаси-дан, шунингдек, Навоий об-ласт Совети иқтисодий коми-тетидан ҳам расмий жавоб олинди. Унда қўрилган чо-ра тадбирлар тўғрисида ха-бар қилинади.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

СССР Олий Совети Пре-зидиуми СССР Давлат қу-рилиш комитети рассининг биринчи ўринбосари ўртоқ

Леонид Алексеевич Биби-нин СССР министри қилиб тайинлади.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА ЭНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

СОВЕТ ТАШАББУСЛАРИ ҲАҚИДА ХАЛҚАРО
МАЙДОНДА БИЛДИРИЛГАН ФИКР ВА МУЛОҲАЗАЛАР

Совет Иттифоқи курулсизлигини проблемаларининг бугун комплексини халқ ташкилоти, унинг фикрича, ҳозир ҳамма ядровий синовларга чек қўйишдан ҳам долзарб ва муҳим-роқ вазифа йўқ. Синовларни тўхтатиш ядровий аслаҳаҳо-ларнинг сифат ва иқдор жиҳатидан ўсишини тўхтатишга қў-мақлашган бўлар эди. СССР АҚШни бу масалага масъулият билан ёндашиб, Совет Иттифоқининг ядровий портлаш-ларини тўхтатиб турши тўғрисидаги қарорига қўйишга на-қарб қарамда. КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг совет телевиденеси орқали берган Баёниот-ханда унинг Аргентина, Греция, Ҳиндистон, Мексика, Шве-ция ва Танзания раҳбарлари мактубига жавоби ҳусусида халқроқ майдонда кенг иққсда билдирилган фикр ва мулоҳазаларда ана шунлар таъкидланмоқда.

МАСЪУЛИЯТЛИ ҚАДАМ

● ГАВАНА. Куба ташқи ишлар министрининг бири-чи ўринбосари Хосе Рауль Вьера Линарес Совет Итти-фоқининг ядровий портла-тишларни тўхтатиш турши муддатини узайтириш тўғ-рисидаги қарорини қўйиш-лаган мамлакатлар ҳарана-тинги Мурожаатномасига, «Деҳли олтилиги» раҳбар-ларининг даъватига ва жа-гона жамоатчилигининг мак-тубидаги жавоб берадиган эҳтироси ва масъулиятли қадам, деб баҳолади. Бу қа-дам СССРнинг курулсизла-ниш тўғрисида реал битми-ларга эришишга тайёрлиги-ни намоён қилади. Бироқ, АҚШ маъмурияти ҳарбий

устуналикка эришиш тайига тушиб, қурулсизлиш пойгаси-ни зўр бериб қучайтирмоқ-да. Қўйилмаган мамлакат-ларнинг ҳукумат доирала-рида совет тақлифлари мам-нуният билан қўлиб олинди, бу мамлакатлар СССРнинг қарорини қўллаб-қувватла-моқдалар ва АҚШ ҳукума-тидан шу қарорга қўйилиш-ни, ядро синовларини тўх-татишни талаб қилмоқдалар.

МАМНУНИЯТ

● ДЕХЛИ. ПТИ ахборот агентлиги М. С. Горбачев-нинг жавобини шарҳлаб, қуйидагиларни таъкидла-ди: совет раҳбари ядро ку-роли синовларини ҳар то-монлама тақиқлаш билан болғик бўлган масалаларни

● ВАШИНГТОН. Аме-рика жамоатчилигининг на-моёнлари Вашингтоннинг совет Тинчлик ташаббуслари ҳусусида сукут сақлаш ва унинг мазмунини бузиб қўрсатиш йўлидаги урунмиш-ларини, унинг ядро синов-ларини ўзаро тўхтатиш ту-тиши, ядро синовларини тўх-татиш ҳусусида битим ту-зиш ҳақидаги тақлифига иқбобий жавоб беришдан бў-йин товлашга интилаётган-лигини, СССРнинг ташқи сиёсатда доир тақлифлари ҳусусида лом-мим демаслик экни уларни сохталаштириш учун қилинган ҳаракат-ларни қораламоқдалар. Рей-ган маъмурияти ҳозирги за-моннинг энг муҳим масала-си — курулсизлиш пойгаси-ни жийовлашга жиддийроқ

● БОНН. М. С. Горба-чев олий даражадаги янги Совет Америка учрашу-ви реал мазмун билан тўли-қилдиш кераклигини ўқ-тириб ўтди, деб хабар қи-лади ГФР телевиденеси. Совет Иттифоқи бу учра-шувида ядро синовларини тўхтатиш тўғрисидаги би-тимни имзолашга тайёр.

ТИНЧ МАҚСАДЛАРДА

● ТОКИО. «Асахи» га-зетасининг ёзишича, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари космик фа-зонни ҳарбийлаштиришнинг олдини олишга қаратилган йўлни баён этиб берди ва космосдан фақат тинчлик мақсадларида фойдаланиш кераклигини таъкидлади. (ТАСС).

ТЕЛТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● РИМ

Италиянинг Равенна шаҳри-да «Унита» газетасининг ат-роф-муҳитини муҳофиза қи-лиш проблемасига бағишлан-ган байрам бошланди. Бай-рам газетанинг 28 август кун-и Миланда бошлангандаги умум-ий миллий фестивал асосида ўтказилмоқда. Бутун Италияда «Унита» газетасининг област, вилоят ва шаҳар байрамлари ўтказилиб бўлар.

Италия Коммунист партия-сининг раҳбарлари, танқиди-жамоат ва сиёсат эрбоблари, ил-фан ва маданият номон-дарларини фестивал қатнашчи-лари билан учрашди. Машҳур италиян ва чет эл ар-тистлари ўз санъатини намо-ён қилдилар. Равеннада «Унита» газетасининг фести-вали 8 сентябргача давом этади.

● ПЕКIN

Бу йил Хитой халқ хўжалиги-га маълум мутахассислари са-фарига олий ўқув юртларини битирган 280 мингдан кўп-киши келиб қўшилди. «Чунго-уэцзюэ боа» газетасининг ха-бар беришича, кейинги йил-ларда ёш мутахассислар тақ-симоти истибқоли соҳалар ва олим районларининг эътижа-ларини назарда тутиб маъқул тарзда ўтказилмоқда.

Олий ўқув юртларини бити-риш чикувчилар, ёш мутахас-сислар группаларининг бў-луси конрет иш шароитлари билан танишиш сафарларини ташкил этиш кенг ёйилди. (ТАСС).

МУТАХАССИСЛАР МАСЛАҲАТИ

Пахта толаси етиштиришни муттасил кўпайтириб бориш — гўза навларини янги, ҳосилдор, тезилар, зараркунандаларга чидамли, шаронга яхши мослашадиган ва юқори сифатли тола берадиган навлар билан мунтазам алмаштириб туришни талаб қилади.

КПСС XXVII съезди қарорларига мувофиқ республикада 1990 йилга бориб, пахта толаси ишлаб чиқаришни 1 миллион 830 минг тоннага етказиш мўлжалланган. Бунча тола олиш учун қолқоз ва совхозларда 2 миллион гектардан зиёд ерга чигит экишни лозим бўлади. Юқори сифатли уруғлик экиш эса мўл ва барқарор ҳосил етиштиришнинг асосий шартларидан биридир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукумати шуни ҳисобга олиб, кейинги йилларда селекция ва уруғчилик ишларини тубдан яхшилашга қаратилган қатор қарорлар қабул қилди.

Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездида кейинги йилларда пахта уруғчилигини ривожлантиришда эришилган иқобий натижалар қайд этилиши билан бирга бу соҳадagi ишлар ҳамон ишлаб чиқариш ва тўқимачилик саноатининг ўсиб бораётган талабларини қондира олмаётганлиги таъкидланди.

Интенсив тилдаги юқори ҳосил ва сифатли тола берадиган навлар яратиш бўйича ишлар суръати суст. Ишлаб чиқаришга берилаётган навлар ўзининг дастлабки сифатини тез йўқотиб юбормоқда.

Селекция ишлари жараёнининг таркибий қисми бўлган уруғчилик — янги ва районлаштирилган навларни кўпайтириш, уларнинг тоза навланигини таъминлаш ва чигит эканлиги ҳужжаликлари юқори сифатли уруғлик билан таъминлашга даъват этилган.

Пахта етиштиришни кўпайтириш ва пахтадан олинадиган маҳсулотлар сифатини янада яхшилаш уруғчилик ишларининг қандайдй йўлга қўйилганлигига боғлиқ. Юқори сифатли уруғлик олиш учун элита уруғчилик ишларини тўғри ташкил этиш лозим. Уруғчилик пахтачиликнинг, элита ҳужжаликлари эса уруғчиликнинг асоси. Янги навларни ҳам, районлаштирилган навларни ҳам кўпайтириш айна

манфаатига ҳилоф равишда, кўпайтириладиган навлар сифатини биологик ва механик йўллار билан бузиб юбормоқдалар.

Уруғлик чигит сифати кўпгина омилларга: жумладан, уни тўғри жойлаштириш қоидаларига қатъий амал қилишга, уруғлик учун экилган гўзанинг мақбул ўсиши ва ривожланишини таъминлайдиган таъминотларга риоя этилишига ҳосилнинг эрта этилишига ва даладар сифатини мунтазам назорат қилиб боришга боғлиқ. Область, район ва ҳужжаликларнинг раҳбарлари ҳар йили унвучанлиги биринчи классга мансуб бўлган уруғлик экинини афзал кўриша

ерга шундай сифатсиз уруғ экилади.

Қатор областларда уруғлик сифати ҳамон пастлигича қолмоқда. Қорақалпоғистон АССРда унвучанлиги I класс бўлган уруғликдан 18 процент, III класс уруғликдан эса 15,9 процент фойдаланилган. Жиззах областида экилган 19 процент уруғлигининг унвучанлиги III классдир.

Республика бўйича (қайта экишни ҳам ҳисобга олганда) уруғлик сарфи гектар бошига 80,5 килограммин ташкил этди. Бу — ўтган йилдан 2,5 килограмм, ўн биринчи беш йилликнинг ўртача кўрсаткичидан 22 килограмм кам.

Сирдарё областидида ҳар гектар ер ҳисобига энг кам миқдорда — 45 килограмм уруғлик сарфланди. Бу кўрсаткич Жиззах областида — 60, Тошкент областида — 68,2 килограммга етди. Шу билан бирга, Қорақалпоғистон АССР ва Хоразм области ҳужжаликлари гектар бошига 100 килограмм, Бухоро, Навоий ва Фарғона областлари ҳужжаликларида эса 90 килограммдан зиёд уруғлик сарфланди.

Уруғчилик сифатини яхшилашга тўққонлик қилаётган ҳоллардан яна бири — областлар районлар ва ҳужжаликларида турли хил чигит навлари экилаётганлигидир. Ҳозир республикамиз районларининг 60 процентдан ортиғида 3 хил, 32 процентидида 4 ва ундан ортиқ, 45 процент ҳужжаликда икки ва ундан ҳам кўпроқ гўза навлари ўстирилмоқда. Қашқадарь областида 14 та, Сурхондарё областида 17 та, Фарғона областида 27 та ҳужжалик биттадан навлар эккан.

Бундай манзарага эндиликда тоқат қилиб бўлмайди. Наҳотки, жойлардаги агросаноат комитетлари раҳбарлари Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг районларда экиладиган, ҳужжалик биттадан зиёд пахта нави уруғи эмаслиги тўғрисида қарори билан танишиб чиқишмаган бўлса? Иккидан ортиқ нави экиш — хом ашё тайёрлаш ва уни бутлашни мураккаблаштириб юбориши, навларнинг аралашиб кетишига олиб келиши, табиий.

Поп районидидаги 11 ҳужжаликнинг 9 тасида 3 хил навлар экилганлигини нормал ҳол деб бўлади. Бунинг устига ҳамма ҳужжаликларда Ле

кетишига олиб келипти, пировардида, элита ҳужжаликлари ва селекция муассасаларининг ишлари деярлик йўққа чиқараптир.

1984 йилда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг биологик институтини селекция бўлими, Бухорода райондаги Калинин номидаги колхоз раисини шу нави экинга қўндириди. «Партия XXII съезди» колхозидида ҳам 30 гектар ерга «АН-410», 27 гектар ерга «АН-402» навлари экилди. Г. С. Зайцев номидаги Бутуниттфок гўза селекция ва уруғчилик илмий тадқиқот институтининг «Қишлоқ Равот» тажриба ҳужжалигидида даъват нави синовдан олиб ташланган «С-9070», Навоий областидаги «Нарпай» совхозидида эса «АН-509» навларини экиш ва кўпайтириш давом эттирилмоқда.

Назифа — барча област, район ва ҳужжаликларнинг раҳбарлари, мутахассислари турли хил навларни экишга барҳам беришлари, уруғчилик ҳужжаликларида гўза парвариши сифатини яхшилаш бўйича омилдорона иш олиб боришлари лозим. Илгари йиллар ҳаттоларининг тақдорларимаслиги учун навларни жойлаштиришнинг 1987 йил планларини ҳозирдан ишлаб чиқишда энг мақбул навларни танлашга эътибор бериш гоёат муҳим вазифадир.

Р. НАЗАРОВ,
Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети пахта ва каноп ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи.

Н. ХОЛМУРОДОВ,
Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети гўза уруғчилиги ва гўза навларини жойлаштириш бўлими бошлиғи.

Н. СОЛИХЖАЕВ,
Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети бўлими бошлиғининг ўринбосари.

МАРРА-35 ЦЕНТНЕР

Эгамберди Маматов йнгиридан олибди, ер билан тиллашади. Қиш чиласида ерларни яхоб сувига қондиради. Баҳор чоғи экинтин ишларидида фаол иштироқ этади, селякага ўтиради. Гўза парвариши жараёнида ниҳолларга обиҳаёт тарайди.

Ҳа, у ҳалол меҳнати эвазига эл ичра обрў-эътибор топанлариди. Ҳаммаси буни «Биринчи класс сувчи» деган фахрли ном эгаси сифатида эътилозлашади. Совхоз маъмурияти томонидан ҳам бир неча бор фахрий ёрлиқ билан қимматбаҳо бўулмлар билан тақдирланган.

Яқинда унинг кўксини III даражали «Меҳнат Шўҳрати» ордени беади. Э. Маматов меҳнат қилаётган Фарғона области, Охунбобоев районидаги Аминжон Ниёзов номидаги совхознинг Қирғизбой Ғаниев бошлиқ бригадаси аъзолари съездлар йилида мавжуд 59 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 35 центнердан дурдона етиштиришга аҳд қилишган. Бўлажак ҳосилга мустаҳкам пойдевор яратишда Эгамберди Маматов олдинги сафда. Миришкор ва тажрибали сувчи ҳар қатра обиҳаётдан оқилона фойдаланаптир. Айниқса, у тунда сугоришга алоҳида эътибор бермоқда. Шунинг учун ҳам бригадига гўзалар ривожини яхши.

Шогирдларидиан Маъруфжон Қурбонов, Одиложон Ҳошимовдорлар уста сувчи билан ёнма-ён меҳнат қилаётганларидиан фахрланишади.

Т. ТЕШАБОВЕВ.

ОРДЕНЛИ ХҲЖАЛИКЛАРДА










АСОСИЙ ОМИЛ-ИНСОН

СССР Олий Совети Президиумининг Фармони билан ўн биринчи беш йилликда деҳқончилик ва чорвачиликда эришган муваффақиятлари учун Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номидаги колхоз «Хурмат Белгиси» ордени билан мукофотланди.

— Партия ва ҳукуматимиз кейинги пайтларда мамлакат эконоимиксини ривожлантиришни жадаллаштиришда инсон омилини биринчи ўринга қўймоқда, — дейди колхоз правлениеси раиси. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. Рўзиматов. — Дарҳақиқат, меҳнат кишигига тегишли шарт-шароит ва қўлайликлар яратмасдан туриб, қўзланган маҳсадага эришиб бўлмайди. Бинобарин, ўтган беш йилликда коллективимиз қўлга киритган камтарона ютуқлар ана шуларга боғлиқлигини алоҳида таъкидлаш керак. Буни биргина мисол — кадрларимизнинг ҳужаликда муқим ўрнашиб қолганлигидан ҳам билса бўлади.

Районнинг юмуши қўл эди. Уни эндигина очила бошлаган пахта қўсаклари сонини кўпайтириш, сувчилар ишлари назорат қилиш, қариб бир миллион сўм маблаг сарфланиб бунёд этилаётган ва ҳозирда битай деб қолган колхоз маданият саройи қурилишидан ва боғча-ёшилларда тарбияланаётган кичикитойларга яратилган шарт-шароитлардан хабар олиш, сўт-товар фермасидиан бугунги аҳвол билан танишиш каби долзарб ишлар қутуб турарди. Ултурармикан? Ҳа, ултурарди. Унинг ҳар қандай шароитида ҳам юқини енгил қилишга шай бўлиб турган сафдаги сафдошлари, ишонган тоғлари — ҳужалик коммунистлари бор. Уларнинг мутахассислари ҳар хил, лекин ўй-мақсадлари битта: одамлар кўнглига йўл топиш, уларнинг куч-ғайратларидиан ҳужалик эконоимиксини юксалтиришда унумли фойдаланиш.

Колхоз территориясидида клуб, туртта кутубхона, икки дорихона, касалхона ва поликлиника, ҳаммом, 13 та болалар боғчаси меҳнаткашлар хизматидида. Бу ерда йиллар ишдан бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун стадион ва турли спорт секциялари ишлаб турибди. Колхозчиларнинг маданий-маиший эҳтиёжларини қон



ОЗУҚА ТАЙЁРЛАШНИ ЖАДАЛЛАШТИРАЙЛИК

ИШНИ КЕСКИН ЯХШИЛАШ ЛОЗИМ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси мажлисидида республикада ер-хашак тайёрлаш борасидида ишларини аҳволи кўриб чиқилиб, Навоий областида қишга озуқа базаси яратиш ишлари қонқарсиз эканлиги таъкидланган эди. Раҳбарлиқни таъминламаганлиги, ишнинг яхшилаш юзасидиан қатъий чоралар кўрмаганлиги учун Навоий области партия комитетининг секретари Я. Султонов ва области агросаноат комитети раиси Б. Нуриллаев лавозимидиан бўшатилиди. Мана шундиан буён ордан бир оз вақт ўтди. Ҳўш, области районлари ва ҳужаликлари ўтган қишқа, лекин ҳар дақиқаси олтинга тенг кунлар мобайнида бюро қароридиан қандай ҳулоса чиқаришди? Улар амалга ошираётган шу кунги чора-тадбирлар талабга жавоб берадими?

Шу нарсани алоҳида қайд этиш керакки, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси мажлисидида қатъий танқиддан кейин областида ер-хашак тайёрлашга бўлган муносабат муайян даражада ўзгарди. Области, район партия комитетларида бу масалалар муҳокама қилиниб, ер-хашак тайёрлаш суръатларини ошириш юзасидиан тадбирлар белгиланди. Айниқса, бу соҳада гоёат нағиз вазият вужудга келган Учқудуқ, Томди районларига ердан кўрсатишга амалий равишда киришилди. Ҳозир бу икки район совхозларини қўлаб ҳужаликлар ўз оталиғи олмақдалар. Шунингдек, қишга етарли озуқа базаси яратиш учун навоийлик чорвадорлар қўшни областлар ва Олтой ўлкаси терристориясидиан ер-хашак тўпламоқдалар.

Амалга оширилаётган бу каби тадбирлар кишини қўвонтиради. Бироқ ер-хашак тайёрлаш тақдирини ҳал қилинаётган қиш зенонларидиан аҳвол билан чуқурроқ танишганда ишлар ҳали талаб даражасидида ташкил этилмаётганлиги, партия ва ҳукумат кўрётган катта вазифалар ҳужалик ва фермаларга етиб бормаётганлиги, мутахассис ўртоклар ҳамон ўқувчилик, бепарволик, маъсулиятсизлик кўрсатаётганлигини яққол кўриш мумкин. Масалан, шундай ташвишли аҳвол Навоий районидида ҳукм сурпти.

«СССР 60 йиллиги» совхозини майдонларининг қўп қисми Маликқўлда жойлашган. Бу йил қўлда ўт мўл. Сугориладиган зоналардаги қамшизорлар одам бўйи бўлиб ўсиб ётибди. Лекин шундай бўлишга қарамай, совхоз дағал хашак тайёрлаш планини эндиғина 53 процентга етказди.

Ишчи кучи етишмасаним қилайлик? — дейди совхоз директори О. Гулинова. — Ҳужалигимизда ҳаммаси бўлиб 285 ишчи бор. Гўза парваришига ҳам, узум экишга ҳам одам керак, ахир. Уларнинг ҳаммасини озуқа тайёрлашга қўй олмаймиз-ку?

Демак, ҳужаликдаги шарт-шароит озуқа тайёрлаш техникага таянган ҳолда

кетмоқда. «Нарпай» совхозини, «Қишлоқ Ўзбекистон» колхозларидиан беда, маккажўҳори майдонлари сугориладиган қовжираб қол-япти. Равшаники, бундай ҳолатда тайёрланган озуқанин оқдйи қўлдиди деярли фарқи бўлмайди.

Яқинда Навоий район партия комитетидида бўлиб ўтган йилгида ҳужаликларида ер-хашак тайёрлаш борасидида аҳвол яна муҳокама қилинди. Айтиш керакки, йилги кўруқ ахборотбозлиқ билан ўтди. Районда озуқа жамғариш, қишга ҳозирлик кўриш масалаларидиан вужудга келган ташвишли аҳволнинг туб сабаблари чуқур таҳлил этилмади. Унутмаслик ва масъулиятсизлик кўрсатаётган раҳбарларнинг фаолиятига принципал баҳо берилмади. Районкомнинг биринчи секретари М. Холқов, район ижроия комитетининг раиси А. Боқиев, РАПО раиси М. Шамсиевлар ер-хашак тайёрлашга эътиборини кучайтириш ҳақида қуруқ насихатқўйлик қилдилар. Шунини ажабланарлики, бундай насихатқўйлик ва ахборотбозлиқ биринчи бор бўлаётгани йўқ. Аммо уларнинг районида озуқа тайёрлаш суръатига ҳам, сифатига ҳам таъсири бўлмапти. Натжида, районида август ойининг ўтган ўн санъиз кунини мобайнида атиги 22 процент ўсишга эришилди, йиллик план 61 процентга етди. Ўт уни 17,4, беда пичани тайёрлаш топириқлари эса эндиғина 21,2 процент бажарилди.

Областининг бошқа районларида ҳам ер-хашак тайёрлаш соҳасидиан шундай қамчилик ва нуқсонларга йўл қўйилмоқда. Шу билан бирга ҳужаликларида социалистик муносабатини йўлга қўйиш, унинг ошқоралигини таъминлаш масалалари ҳам фақат қозғолаётганга ўзифодаланиш топилти. Озуқа тайёрловчиларга меҳнат, дағал олиш шартларини яратиб бериш, маданий ва маиший хизмат кўрсатишини яхшилаш каби ишлар партия, совет, касалота союз ва комсомол ташкилотлари назаридиан четда қолмоқда. Табиийки, буларнинг ҳаммаси ер-хашак тайёрлаш суръатларига салбий таъсир кўрсатапти.

Ҳулоса, областида ер-хашак тайёрлашга бўлган муносабатини тубдан ўзгартириш лозим.

А. ҚОРЖОВОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Журналларнинг янги сонларида

«Мухбир» — «Корреспондент»

журналининг август сони босмадан чиқди. У Совет Иттифоқи Коммунистик партиясини Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисидаги информაციон билдириш билан очилади. Бу сонда «Провода» газетасидиан кўчириб босилган «Газет

«Матбуотга партиявий раҳбарлик» рубрикаси остида Иштихон район партия комитетининг биринчи секретари А. Тиллаевнинг «Ҳам талаб, ҳам ердан» сарлавҳали мақоласи, шунингдек «Партия комитети муҳокамасидида» сарлавҳали материал берилган.

«Кашадаринкиса правдан» газетасининг редактори В. Соснининг «Дедалик ишга хизмат қилин», «Тошкент ҳақиқати» газетаси редактори ўрин

босари Р. Умаровнинг «Ҳар бир одам — ўзинга хос бир олам» сарлавҳали мақоласи, шунингдек, А. Жўраевнинг «Ҳам ишлаб чиқаришга, Д. Жамолонинг «Узуксиз олиб борилиш керак» сарлавҳали обзорлари босилган.

«Самарали меҳнат ва соғлом турмуш учун» рубрикаси остида Хушёрлик учун кураш кўнглили жамаияти республика Совети раисининг ўринбосари Д. Усмоновнинг «Рейд давом

этади», «Журналист ён дафтариди» рубрикаси остида эса Ш. Зайнутдиновнинг «Турли қишлар экрани» сарлавҳали мақолалари эълон қилинган.

Булардан ташқари «Ҳаммаси», «Ветеранларимиз», «Фоторепортаж», «Бизга ёзди», «Бизнинг ватанамиз», «Журналистлар ёзган китоблар», «Информация» ва «Реклама» рубрикалари остида ҳам бир қатор материаллар босилган.

Демак, ҳужаликдаги шарт-шароит озуқа тайёрлаш техникага таянган ҳолда

кетмоқда. «Нарпай» совхозини, «Қишлоқ Ўзбекистон» колхозларидиан беда, маккажўҳори майдонлари сугориладиган қовжираб қол-япти. Равшаники, бундай ҳолатда тайёрланган озуқанин оқдйи қўлдиди деярли фарқи бўлмайди.

Яқинда Навоий район партия комитетидида бўлиб ўтган йилгида ҳужаликларида ер-хашак тайёрлаш борасидида аҳвол яна муҳокама қилинди. Айтиш керакки, йилги кўруқ ахборотбозлиқ билан ўтди. Районда озуқа жамғариш, қишга ҳозирлик кўриш масалаларидиан вужудга келган ташвишли аҳволнинг туб сабаблари чуқур таҳлил этилмади. Унутмаслик ва масъулиятсизлик кўрсатаётган раҳбарларнинг фаолиятига принципал баҳо берилмади. Районкомнинг биринчи секретари М. Холқов, район ижроия комитетининг раиси А. Боқиев, РАПО раиси М. Шамсиевлар ер-хашак тайёрлашга эътиборини кучайтириш ҳақида қуруқ насихатқўйлик қилдилар. Шунини ажабланарлики, бундай насихатқўйлик ва ахборотбозлиқ биринчи бор бўлаётгани йўқ. Аммо уларнинг районида озуқа тайёрлаш суръатига ҳам, сифатига ҳам таъсири бўлмапти. Натжида, районида август ойининг ўтган ўн санъиз кунини мобайнида атиги 22 процент ўсишга эришилди, йиллик план 61 процентга етди. Ўт уни 17,4, беда пичани тайёрлаш топириқлари эса эндиғина 21,2 процент бажарилди.

Областининг бошқа районларида ҳам ер-хашак тайёрлаш соҳасидиан шундай қамчилик ва нуқсонларга йўл қўйилмоқда. Шу билан бирга ҳужаликларида социалистик муносабатини йўлга қўйиш, унинг ошқоралигини таъминлаш масалалари ҳам фақат қозғолаётганга ўзифодаланиш топилти. Озуқа тайёрловчиларга меҳнат, дағал олиш шартларини яратиб бериш, маданий ва маиший хизмат кўрсатишини яхшилаш каби ишлар партия, совет, касалота союз ва комсомол ташкилотлари назаридиан четда қолмоқда. Табиийки, буларнинг ҳаммаси ер-хашак тайёрлаш суръатларига салбий таъсир кўрсатапти.

Ҳулоса, областида ер-хашак тайёрлашга бўлган муносабатини тубдан ўзгартириш лозим.

А. ҚОРЖОВОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

РЎЗҒОРДА НАФИ КАТТА!